

“КЕЛИШИЛДИ”

Тошкент шаҳар Бектемир тумани
Фавкуллда вазиятлар бўлими
бошлиғи подполковник

Б.Б.Жураев.

2022 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент кишлоқ хўжалик
махсулотлари улгуржи бозори АЖ
директори

Ш.Х.Рафиқов.

“ ” 2022 й.

**Тошкент кишлоқ хўжалик махсулотлари улгуржи бозори АЖнинг
Фуқаро муҳофазаси тузилмаларини шай ҳолатга келтириш**

РЕЖАСИ

Иш вақтида тузилмани огоҳлантириш тартиби:

- фавкуллда вазиятлар хавфи туғилганда Фуқаро муҳофазаси бошлиғи туман тиббиёт бирлашмаси)нинг буйруғи билан ёки уринбосари штаб бошлиғи (фуқаро муҳофазаси ва фавкуллда вазиятлар бўйича мутахассиси)нинг кўрсатмаси билан тузилмалар тўлиқ тайёр ҳолатга келтирилади;
- иш вақтида тузилмаларни огоҳлантириш тузилма командири (тузилма камандирлари) орқали бажарилади, бунинг учун 10 дақиқа ичида камандир ва ўринбосарлар (булим бошлиқлари) тўпланишади;
- тузилма командири алоқачи орқали шахсий таркибга хабар юборади, уларни йиғилганлиги ҳақида Фуқаро муҳофазаси бошлиғига ахборот беради.

Ишдан ташқари вақтда:

- тузилманинг шахсий таркиби алоқачи орқали огоҳлантирилади, биринчи телефон каналдан фойдаланилади;
- тузилманинг шахсий таркиби, хабарни олиши билан тезда худуднинг белгиланган жойига етиб боради.

Етиб келиш вақти:

Иш вақтида - 10 дақиқа;

Ишдан ташқари вақтда -1 соат;

Шахсий таркибни табелда кўрсатилган жиҳозлар ва бошқа воситалар билан таъминлаш:

Шахсий таркибга бириктирилган табелда кўрсатилган жиҳозлар ва бошқа воситалар объектнинг Фуқаро муҳофазаси омборхонасидан қатъий тузилма низомига асосан берилади.

Фуқаро муҳофазаси химоя воситаларини тарқатиш вақтини белгилаш:

- тузилманинг юқори тайёргарлигига 4 соат, Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг кўрсатмаси билан белгиланади;
- қолган тузилмаларга «харбий хавф» сигналига 6-8 соат тайёргарлик учун ажратилади;
- шахсий химоя воситаларини беришда фуқаро муҳофазаси ва фавкуллда вазиятлар бўйича муҳандиси моддий-техник таъминот жиҳозларини текшириш ва танлашга вақт ажратади, бунинг учун объект худудида палатка ўрнатилади;
- юқори тайёргарлик 4 соатдан кам бўлмаган вақтда бўлиб, тузилманинг штатдаги ходимлар рўйхати аниқланади;

- бериладиган барча жиҳоз ва воситалар фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятлар бўйича муҳандиснинг имзоси билан берилади;

Тузилмани тайёрлаш тартиби ва текшириш вақти:

- тузилма шахсий таркиби томонидан топширилган вазифа белгиланган вақтда бажарилади ва оғир вазиятларда кучайтирилган талаб даражасида бажарилади;

- тузилма шахсий таркиби ўз вақтида тайёр ҳолатда бўлиши учун жавобгарлик тузилма командирига юклатилади.

Шахсий таркибга таъин қўрилган воситалар тарқатилгандан кейин Фуқаро муҳофазаси штабининг навбатдаги бажарадиган вазифалари:

- зарур бўлган кучларнинг тайёргарлиги оширилади ва улар махсус-тактик ўқув машқига жалб этилади;

- тузилма жойлашган ҳудуднинг ташқи зарарланиши устидан доимий назорат олиб борилади;

- жойларда ҳар бир тузилма гуруҳлари вазифалари аниқланади;

- фавқулодда вазиятлар содир бўлганда жалб қилинадиган тузилманинг тайёргарлигини текшириш;

- тузилманинг сафдаги тайёргарлигини кўриш.

Тузилмани бошқариш тартиби:

- тузилма шахсий таркибини доимо ўз вақтида ҳаракати ва маънавий тайёргарлигини ошириш;

- узлуксиз қатъий изланиш, вазиятни умумий баҳолаш, ўз вақтида қарор қабул қилиш, буйсунувчиларга топшириқларни етказиш, тузилмани қидирув-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларга тайёрлаш;

- тузилма ҳаракатини ҳар томонлама амалга ошириш учун ўз вақтида таъминотни ташкиллаштириш;

- топширилган вазифаларни бажарилиши ва ёрдам бериш бўйича доимий назорат қилиш.

Тузилманинг қидирув-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларида ҳаракатлари:

- Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг қарорига асосан, қидирув-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни қўшимча бошқарув пунктидан олиб боради;

- тузилмаларни бошқариш командирлар томонидан иш жойларида олиб борилади, тузилма командири иш фаолияти бошқарув пункти томонидан олиб борилади;

- алоқа учун радиодан, ҳаракатдаги сигналлар мосламаси, шунингдек, раҳбар томонидан ажратилган транспорт воситаларидан фойдаланилади;

- ҳаракатдаги алоқа воситаларига ажратувчи белгилар қўйилади, огоҳлантирувчи сигналлар ва кўриш мумкин бўлган воситалардан фойдаланилади;

- фуқаро муҳофазаси сигналларини узатиш учун ҳар қандай алоқа йўналишларидан ҳеч қандай тўсиқсиз фойдаланилади;

- алоқа сигналларидан ташқари очик сўзлашувлар таъқиқланади.

Комендантлик хизматини ташкил қилиш:

- комендантлик хизмати академия қўриқлаш куч ва воситалари орқали ташкил этилади, ҳамда жамоат тартибини сақлаш гуруҳи (звеноси) иштирок этади.

Моддий-техник таъминоти тартиби:

- тузилмаларни моддий-техник воситалар билан таъминлаш Низомнинг таъминлаш (табеллаштириш) меъёри асосида амалга оширилади, шунингдек, бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш моддий-техник таъминотнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятлар содир бўлганда :

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 515-сонли қарори асосида, фавқулодда вазиятларда фаолият кўрсатиш даврида амалга ошириладиган тадбирлар:

- **КУНДАЛИК РЕЖИМИ;**
- **ЮҚОРИ ТАЙЁРГАРЛИК РЕЖИМИ;**
- **ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ РЕЖИМИ.**

Кундалик режимида: Объект ҳудудидаги вазиятни кузатиш ва назорат қилишни амалга ошириш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли хавфсизлигини ва муҳофазасини таъминлаш, етказилиши мумкин бўлган зарарни қисқартириш, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш ва тўлдириш, суғуртанинг мақсадли турларини амалга ошириш.

Юқори тайёргарлик режимида: Фавқулодда вазиятлар юзага келиши хавфи тўғрисида бошқарув ва тегишли органларга хабар бериш ва академия жамоа аъзоларини хабардор қилиш, ФВДТ (фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими) раҳбарлари таркибининг доимий дислокация пунктларида кечаю-кундуз навбатчиликни ташкил этиш, академия биноларида навбатчи-диспетчерлик хизматларини кучайтириш, кучлар ва воситаларини тайёр ҳолатга келтириш, мўлжалланаётган фавқулодда вазиятлар ҳудудига юбориш.

Фавқулодда вазият режимида: Фавқулодда вазиятлар юзага келганлиги тўғрисида бошқарув ва тегишли органларга хабар бериш ва академия жамоа аъзоларини хабардор қилиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш, фавқулодда вазиятларни бартараф этишни ташкил этиш, фавқулодда вазиятлар зоналари чегараларини белгилаш, зарар кўрган академия жамоа аъзоларини ҳаётини таъминлаш, ҳудудлардаги вазиятни назорат қилиш.

Ўз вақтида Фуқаро муҳофазаси машқларига тайёрлаш ва уни ўтказишда шахсан раҳбарлик қилиш, академияда замонавий ўқув-моддий базасини ташкил этиш, уни такомиллаштириб бориш, фуқаро муҳофазаси тарғиботини олиб бориш (ўқув хоналари, деворий газеталар, фуқаро муҳофазаси бурчаклари, ўқув шахарчалари, ҳимоя воситалари ва ҳимоя иншоотлари).

Директор 1-уринбосари



Ф.Т.Маджидов.